

Кон - ер ости бойликлари закоти | Фикҳ дарслари (310-дарс)



19:00 / 05.12.2024 1884

دِجُّوْهُوْحَنْ وَأَبَّهَذَا نَدَعَمَسْمُخَو
رُشْعُ وَأَجَارَخِ ضُرَّأِي فِ
كَلْمُتْمَلُّنَادِجْأَوْلِلِهِيَقَابَو
الَو، أَهْكَلْأَمْلَفِ أَلِإِو. ضُرَّأَلِأ

ءِرَادِ يِفَ دِجُّوْ نِإِ هِيَفَ ءِيَشِ
بِنَاتِي أَوْرِهِ ضُرَأِي فَو

رَبُّنَعَوِ وُلُّوْلُ يِفَ ءِيَشِ أَلَوِ
يِفَ دِجُّوْ جَزُوْرِيَفِ فِ أَلَوِ
ةَمَسِ هِيَفِ زُنْكَوِ لَبَجِ

هِيَفِ أَمَوِ ءَطَقْلَلِ كِمِ أَلَسِ أَلِإِ
هِيَقِ أَبَوِ ءَسْمُخِ رِفْ كَلِ أةَمَسِ
ضُرَأِ أَلِ كَلْمُتْ مَلْ نِإِ دِجِ أَوْلِ
ءَلْ طَطْخُ مَلْ لَفِ أَلِإَوِ

ءَلْ كِبْرُخِ لِرَادِ ءَارْحِ صُ زَاكِرَوِ
ءَدَجَوِ نِإَوِ ءَدَجَوِ نِمَأْتِ سُمِ
أَهْلِ كِلَامِ يَلَعِ ءَدْرِ أَهْنِمِ رَادِ يِفِ
يِفِ مِعَاتِمِ زَاكِرِ دَجَوِ نِإَوِ

سُؤْمُ خ، كَلُمْتُمْ لِمَلِي ضَرَأ هَلْ هِيَ قَابَو

Харож ва ушр еридан топилган тилла ва унга ўхшаш маъдандан бешдан бир олинади. Бешдан бирдан қолгани, агар ернинг эгаси бўлмаса, топиб олганга. Илло, ернинг эгасига. Ўз ҳовлисидан топиб олинган маъданда ҳеч нарса йўқ. Агар ўз еридан топса, икки хил ривоят бор.

Луълуъ ва анбарда ҳеч нарса йўқ. Тоғдан топилган ферузада ҳеч нарса йўқ. Ислоннинг белгиси бор дафина худди тушиб қолган нарсага ўхшайди. Куфрнинг белгиси бор дафинадан бешдан бир олинади. Бешдан бирдан қолгани, агар ернинг эгаси бўлмаса, топиб олганга. Илло, ернинг биринчи эгасига.

Уруш ҳолатида бўлганларнинг саҳросидан улар омонлик берган одам топиб олган ер ости бойликларининг ҳаммаси уникидир. Агар у мазкур нарсани уларнинг ҳовлиларидан бирида топиб олган бўлса, ҳовлининг эгасига қайтариб беради. Агар уларнинг кўмилган матоларини эгаси йўқ ердан топиб олган бўлса, бешдан бирини беради ва қолганини ўзи олади.

Ер ости бойликлари – олтин, уран, кумуш, мис, қўрғошин, кўмир, нефть, темир ва ҳоказолар қанчалик катта бойлик эканини гапириб ўтирмасак ҳам бўлади.

Уламоларимиз Аллоҳ таолонинг Бақара сурасидаги:

الْأَرْضِ مِنْ لَكُمْ أَخْرَجْنَا وَمِمَّا كَسَبْتُمْ مَا طَيَّبْتُمْ مِنْ أَنْفُسِهِمْ أَمْ نُؤْمِنُ الَّذِينَ يَتَّبِعُهَا

«Эй иймон келтирганлар! Касб қилган нарсаларингизнинг покизаларидан ва Биз сизларга ердан чиқариб берган нарсалардан инфоқ қилинглар» (267-оят) деган оятини далил қилиб, «Кондан чиққан маъданлардан ҳам закот чиқарилади», деганлар.

Ҳанафий мазҳабига кўра, маъдан билан дафинанинг закот ҳукмида фарқи йўқ, дафина одам боласи томонидан ер остига кўмилган бойлик бўлса, кон

– маъдан Аллоҳ таоло томонидан ер остига кўмилган бойликдир. Шунинг учун кондан ер ости бойлиги чиқарилиши билан бешдан бири закотга берилади. Закот давлат мулкига қўшилади.

Энди матнларни шарҳлашга ўтайлик.

Харож ва ушр еридан топилган тилла ва унга ўхшаш маъдандан бешдан бир олинади.

Бу ҳукмга далил қуйидагича:

هَلَلَا ذُبَعٌ نَعْمُ كَأَخْلَا هَجْرًا
يَلَصُّ يَبْنَلَا نَأْ رَمْعِ نُب
يَفَلَاقَ مَلَسَ وَهِيَ لَعُهُ لَلَا
تُنُكَ نَأْ «لُجْرُهُ دَجَّ وَزَنَكَ
رِيغُهُ يَرْقِي فِي هَتْ دَجَّ وَ
رِيغِي فِي وَأِي نُو كُ سَم
يَفَوْ هِي فَفَ ، أَيْ مَلِي بَس
سُمُ خَلَا زَا كُرَلَا .

Имом Ҳоким Абдуллоҳ Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир киши топиб олган бойлик ҳақида: «Агар уни одам яшамайдиган қишлоқда ёки юрилмайдиган йўлдан топган бўлсанг, ундан ва дафинадан бешдан бир», дедилар».

Бешдан бирдан қолгани, агар ернинг эгаси бўлмаса, топиб олганга. Илло, ернинг эгасига.

Демак, ер остидан топилган кон ёки дафинадан бешдан бирини давлат олади ва қолгани ернинг эгасига, агар эгаси бўлмаса, мазкур нарсани топиб олган кишига бўлади.

Шаъбийнинг ривоят қилишича: «Бир киши ер остидан бойлик топиб олиб, Алининг олдига олиб келди. Бас, у бешдан бирини олиб, қолганини топиб олганга берди. Бу ҳақда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга хабар берган эди, у зотга маъқул бўлди».

Ўз ҳовлисидан топиб олинган маъданда ҳеч нарса йўқ (яъни закот берилмайди).

Чунки маъдан ҳам ҳовлининг бир бўлаги ҳисобланади. Ерга эга бўлган киши маъданга ҳам эга бўлади. Ўз ҳовлисидан ер ости бойлигини топган одам ўз мулкини топгандек бўлади.

Агар ўз еридан топса, икки хил ривоят бор.

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ: «Бу ҳолда ҳам ҳеч нарса берилмайди», деганлар. Чунки ердан чиққан нарсалар ер эгасиникидир.

Бошқалар: «Бешдан бирини беради», деганлар. Чунки ҳадисда ер остидан топилган нарсадан бешдан бири берилиши айтилган.

«Кифоя» китобининг иккинчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.